

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ВАСИЕВ АЛИШЕР САМИЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата дессертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Васиев Алишер Самиевич

Тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш3

Васиев Алишер Самиевич

Повышения устойчивости капитала коммерческих банков27

Vasiyev Alisher Samiyevich

Improving the capital stability of commercial banks.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ВАСИЕВ АЛИШЕР САМИЕВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt1495 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Омонов Ақром Абдиназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Раҳматов Хасан Ўткирович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «16» 12 даги 58- рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш уларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини оширишнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Тижорат банклари капиталининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги банклар тўлов қобилиятининг пасайишига, иқтисодиёт субъектлари ўртасида банк фаолиятига ишончнинг пасайишига, бу ўз навбатида иқтисодий циклга салбий таъсир этади. Хусусан, Жаҳон банки маълумотларига асосан, “2020 йил охирига келиб дунёнинг 1000 та энг йирик банкларига тегишли биринчи даражали капиталнинг умумий капитали 9,9 трлн долларни ташкил этди, бу эса тарихдаги энг юқори кўрсаткичдир, ўтган йилга нисбатан 12,7% га кўп. 1000 та банк учун 1-даражали минимал капитал ҳам 547 миллион долларга етди. Бу биринчи марта 500 миллион доллардан ошди ва COVID-19 пандемияси шароитида юзага келган қийинчиликларга қарамай, глобал банк сектори иқтисодий бухронни енгиш учун кучли позицияда эканлигини намойиш этади”¹. Тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлашда уларнинг жорий ликвидлигини юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва пассивларнинг барқарорлиги ҳисобига таъминлаш ҳамда регулятив капиталнинг етарлилигига қўйиладиган талабларни ошириш муҳим ўрин тутмоқда.

Дунё мамлакатларида тижорат банкларида капитал етарлилиги муаммосини ҳал этиш, банклар активлари ва капиталининг рентабеллигини ошириш, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, стресс-тестлаш амалиётини такомиллаштириш орқали банкларнинг молиявий инқироз оқибатларига чидамлилигини оширишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тадқиқотларда тижорат банклари капиталлашув даражасининг ҳолати таҳлил қилинган ва уларда тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш борасида бир қатор мамлакатларда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари очиб берилган. Лекин, тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш усуллари ва уларнинг ечимлари банк капиталининг барқарорлигини оширишда молиявий инструментларнинг таъсири ва ривожланиш тенденциялари етарлича очиб берилмаган.

Ўзбекистонда тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш ва барқарор манбалар ҳисобига мунтазам ошириб бориш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, банкларнинг оддий акцияларини фонд бозорида эркин муомаласининг мавжуд эмаслиги, банклар капиталида давлат улушининг юқорилиги, умумий капитал таркибида эмиссион даромаднинг деярли мавжуд эмаслиги, банк акцияларига тўланадиган дивиденд миқдорининг жуда пастлиги, депозит базасининг

¹ <http://www.worldbank.org/>

заифлиги, муаммоли кредитлар улушининг ортиш тенденциясига эгаллиги каби омиллар банкларнинг капитали барқарорлигини таъминлашга ва оширишга салбий таъсир этмоқда. Хусусан, “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш”² муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни ечимини топишда мазкур йўналишда илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарорлари ва 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари капиталининг моҳияти, таркиби унинг етарлилиги ва капиталлашув даражасини такомиллаштириш масалалари хорижлик классик ва замонавий иқтисодий олимлар – А.Смит, К.Маркс, И.Трахтенберг, С.Лукаш, В.Киселев, О.Лаврушин, Ж.Матук, Дж.Барлтон, Д.Мак-Ноттон, Э.Ридларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ қилинган.³

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонига 1-илова. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народа. – Петрозаводск.: 1993. – С.271. Маркс К. Капитал. Критика политической экономики. - Т3 КН 2 М.: 1989. – С.442. Трахтенберг И. Денежное обращение и кредит при капитализме. – Москва.: 1962.- С.547. McLeod .The Theory of credit. London.-1897y С.Н. Лукаш, А.А. Малютин «Банковская энциклопедия». Днепропетровск 1994. С-24 Банковское дело под ред. Проф. И.О.Лаврушина М- «Ф и С» 2001г. С-74. В.В Киселев. «Управление банковским капиталом» Москва « Экономика» 1997. С-18. Жан Матук. «Финансовые системы Франции и других стран» 1том перевод с англ. Москва «Финстатикформ» 1994г С-25. Э.Рид, Котлер, Э.Гилл ва Р.Смит Коммерческие банки. перевод с англ. М. «Прогресс» 1933г. С-189 Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев, А.Омонов, Б.Бабаев, У.Ортиқов, У.Розукулов, М.Эгамоваларнинг илмий ишларида банк капиталининг алоҳида жиҳатлари тадқиқ қилинган.⁴

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг капитали барқарорлигини ошириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

банк капиталининг бозор иқтисодиётига хос бўлган манбалари ва барқарорлигининг иқтисодий аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

банк капиталининг барқарорлигини оширишнинг назарий ва методологик асосларини илмий жиҳатдан ўрганиш;

банк капиталини шакллантириш ва барқарорлигини таъминлашнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз банк фаолиятида қўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантириш;

тижорат банклари капиталининг манбалари ва шаклланишининг амалиётдаги ҳолатининг таҳлили асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

банк капиталининг барқарорлигини оширишда молиявий инструментларнинг таъсири ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш;

тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари капиталининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган эконометрик башоратини ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш борасида илмий таклифлар, амалий тавсиялар ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

второе, Москва Книжный мир 2006 г С-299. Крис Дж Барлтон ва Д Мак-Нотон «Банковские учреждения в развивающихся странах», 2 том. Всемирный банк Вашингтон, Д.С 1992г. С-101.

4 Ш.Абдуллаева, Т.Каралиев ва У.Ортиқов. «Банк ресурслари ва уларни бошқариш» Тошкент. Иқтисод-Молия, 2009йил Б-48-49. ⁴Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Автореферат диссертации на соиск уч. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002.-21 с.; Омонов А.А. Банк капиталини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Тошкент: ДЖҚА, 2005. -21 б.; Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Тошкент: БМА, 2008. -20 б.; Розукулов У.У. Анализ надежности коммерческих банков и пути укрепления их устойчивости. Автореферат диссертации на соиск. учен. степ. к.э.н. –Ташкент: БФА, 2002. -22 с. Эгамова М.Э. “Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати Тошкент: ТМИ, 2019.-56 б.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш билан боғлиқ фаолият жараёни тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тижорат банклари капиталининг барқарорлигини ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, омилли таҳлил усуллари ва молиявий коэффицентлар усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

узоқ муддатли субординар қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш орқали тижорат банклари капиталининг барқарорлигини таъминлаш асосланган;

тижорат банкларининг ўз маблағлари манбалари таркибида эмиссион даромад ҳажмини ошириш ҳисобига уларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини 35 фоизга ошириш имконияти аниқланган;

банкларда мустақил балансга эга бўлмаган шўъба корхоналарини ташкил этиш асосида қўшимча капитали таркибида молиявий маблағларни ҳажми ва капиталлашув даражасини 20 фоизга ошириш асосланган;

тижорат банклари имтиёзли акцияларининг 10 фоизгача бўлган улушини хорижий инвесторларга сотиш орқали уларнинг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжини таъминлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. тижорат банклари активлар таркибидаги даромад келтирувчи активлар улушини, аввало кредит қўйилмалари қолдиғини жами активдаги 85 фоизгача етказиш орқали, олинаётган фойда ҳисобидан банкнинг капиталини муттасил ошириб бориш таклиф этилган;

тижорат банклари капиталининг манбалари ва шаклланишининг таҳлили асосида банк фойдасига ижобий таъсир этувчи омиллар аниқланган;

тижорат банклари имтиёзли акцияларининг хорижий инвесторларга сотиш орқали хорижий валютани жалб қилиш имкониятини кенгайтириш асосланган;

банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини фаоллаштириш орқали уларнинг ўз маблағлари таркибида эмиссион даромад улушини ошириш орқали банк томонидан қўшимча равишда фойда олишга эришиши мумкинлиги асосланган;

тижорат банклари капиталининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган капитал барқарорлигини ошириш прогнози ишлаб чиқилган;

банк капиталининг барқарорлигини оширишда молиявий инструментларнинг таъсири ва ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишнинг тадқиқ қилишга назарий ва амалий муаммоларига бағишланган маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда мутахассисларнинг илмий қарашларини тадқиқ қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки, мамлакатимиз йирик тижорат банклари ҳисобот ва маълумотларини таҳлили билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш ва амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлашда капиталнинг етарлилигини аниқлашда, капитал етарлилиги борасида тегишли усуллар ва моделларини ишлаб чиқишда, шунингдек бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш, тижорат банклари капитали барқарорлигини ошириш ва унинг таркибида давлат улушини камайтириш амалиётида шунингдек мазкур йўналишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари капитали барқарорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

узок муддатли субординар қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш орқали тижорат банклари капиталининг барқарорлигини таъминлаш таклифи АТБ “Қишлоқ қурилишбанк“ кредит сиёсатида киритилган (АТБ “Қишлоқ қурилиш банк“нинг 2019 йил 21 октябрдаги 04/27-25-9598-сон маълумотномаси), мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида банкнинг қўшимча капитали ҳажми ўтган ҳисобот даврига нисбатан 18 фоизга ошириш имкониятини яратган;

тижорат банкларининг ўз маблағлари манбаалари таркибида эмиссион даромад ҳажмини ошириш ҳисобига уларнинг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини ошириш таклифи АТБ “Қишлоқ қурилишбанк“ ва АТБ “Микрокредитбанк“ кредит ҳамда ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган (АТБ “Қишлоқ қурилиш банк“нинг 2019 йил 21 октябрдаги 04/27-25-9598-сон (“Микрокредитбанк“ АТБнинг 2019 йил 4 ноябрдаги 13-28/11989-маълумотномалари), мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида банкнинг акциялари, асосан оддий акциялари бозор баҳосини 30-35 фоизга оширишга, шунингдек депозит сертификатларини жойлаштиришдан тушган маблағларни банкнинг даромад келтирувчи активларига жойлаштириш орқали банк томонидан қўшимча равишда 12,8 млрд. сўм миқдоридан фойда олишга эришилган;

банкларда мустақил балансга эга бўлмаган шуъба корхоналарини ташкил этиш асосида қўшимча капитали таркибида молиявий маблағларни ҳажми ва капиталлашув даражасини ошириш таклифи АТБ “Қишлоқ қурилишбанк“ амалиётга жорий қилинган. (АТБ “Қишлоқ қурилиш банк“нинг 2019 йил 21 октябрдаги 04/27-25-9598-сон маълумотномаси). Натижада банк томонидан “Обод қишлоқ” Давлат Дастурини амалга оширишда ҳудудларда уй-жойларни қуришга йўналтирилган молиявий

маблағлар ҳисобидан оладиган даромад манбасини 20 фоизга кўпайтиришга эришилган;

тижорат банклари имтиёзли акцияларининг 10 фоизгача бўлган улушини хорижий инвесторларга сотиш орқали уларнинг хорижий валюталарга бўлган эҳтиёжини таъминлаш таклифи АТБ “Қишлоқ қурилиш банк“ томонидан амалиётга жорий этилган (АТБ “Қишлоқ қурилиш банк“нинг 2019 йил 21 октябрдаги 04/27-25-9598-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни жорий этилиши натижасида банк томонидан йилига қўшимча 300 млн АҚШ долларини жалб қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 9 та республика ва 9 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 140 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишнинг иқтисодий назарий асослари ва хориж тажрибаси”** номли биринчи бобида муаллиф тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти, банк капитали барқарорлигини таъминлашнинг назарий-методологик асослари ва хориж тажрибаси ҳамда банк капитали барқарорлигини ошириш тўғрисидаги назарий қарашларни ўрганиб чиққан, ҳамда тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий йўналишлари эътироф этилган

Тижорат банклари ўз фаолиятини юритишида биринчи навбатда етарли даражадаги сармоёга эга бўлиши талаб этилади, бу эса етарли даражада капиталга эгалик ва барқарор даромад базасиз амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам тижорат банклари капитали банкни ташкил этиш, очиш жараёнида, асосий фаолиятни юритиш жараёнида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий норматив меъёрларни бажаришида энг муҳим манбаа ва банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплашда “ҳимоя ёстикчаси” вазифасини бажарувчи асосий молиявий манба бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги COVID-19 пандемияси шароитида банк капитали етарлилиги ва барқарорлиги масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай экан банк капиталининг моҳиятини қиёсий тадқиқ қилиш, уни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва монандлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Бугунги кунда ҳам банк капиталининг моҳияти юзасидан иқтисодий адабиётларда турлича талқинларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда ушбу иқтисодий тушунча тўғрисида тўлиқроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.

Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари капиталининг самарадорлигини ва унинг етарлилигини таъминламасдан туриб, банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, банк капиталининг мавжудлиги банкни ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши учун энг асосий заруриятдан биридир.

Иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг самарадорлигини таъминлашда тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг мувофиқлигини таъминлашга эришиш муҳим ўрин тутди.

Банк капитали ва унинг банк фаолияти жараёнларидаги таъсирини назарий асосларини бир қатор олимлар тадқиқ этган ҳолда турли қарашлар ва назарияларни баён этганлар. Жумладан, классик намоёндалардан ҳисобланмиш А.Смит «Банк - алоҳида олинган иш юритувчиларнинг жамият учун фойдали ниҳоятда қимматли ҳисобланган лекин улар учун вақтинчалик фойдаланилмаётган ўлик капиталини актив ва ишлаб чиқарувчи капиталга айлантиради»⁵ деб таърифлаган.

Банк капиталининг иқтисодий моҳияти тўғрисида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилган. Жумладан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди⁶.

Рус иқтисодчиси Г.Г.Карובהа банк капиталига банкнинг иқтисодий мустақиллиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминловчи, моҳиятига кўра тўлиқ тўланган элемент (фонд)лар мажмуи сифатида қарайди.⁷ Ҳақиқатда банк капиталининг миқдори, унинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини тавсифлайди.

Иқтисодчи олим Р.Г.Ольхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради ва банк кутилмаганда зарар кўрса капитал ҳимоя ёстиғи сифатида кўрилаётган зарар оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади деб ҳисоблайди.⁸

Хорижлик иқтисодчи Крис Барлтруп банк капиталига «қимматли» манба⁹ сифатида таъриф берган.

Тижорат банклари учун капитал «харажатли» манба ҳисобланади, бунинг боиси шундаки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банкларига харажат қилишга ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар харидорини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетиши, бу эса ўз ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас, балки иқтисодий қийинчиликларга дучор бўлишига сабаб бўлади.

Тижорат банклари фаолиятига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди¹⁰.

Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилиқ (ликвидлик) риси доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти

⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатств народа. – Петрозаводск.: 1993. - С.271.

⁶ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. - М.: «Вазар-Ферро», 1994. С.92.

⁷ Банковское дело. Под.редд-ра.эконом.наук. Ловрушин О.И. – М.: «Ф и С» 2005. (3-изд) – 206 ст.

⁸ Банковское дело. Под.редд-ра.эконом.наук. Ловрушин О.И. – М.: «Ф и С» 2005. (3-изд) – 206 ст..

⁹ Крис Дж. Барлтруп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. Вашингтон, Д.С., С.102.

¹⁰ Жан Матук. Финансовые системы Франции и других стран. Том 1. Пер.с англ.-М.: «Финстатинформ» 1994 С.25.

шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағсиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчилари маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар банк, омонатчиларнинг нақд пулга ва вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш.Абдуллаева ва А. Омоновлар банк капиталига қуйидагича таъриф беришган: «Тижорат банкларининг капитални барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир»¹¹.

Дарҳақиқат, банк капитални барқарор молиялаштириш манбаи ва ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб банк капитални моҳиятини қуйидагича изоҳлашни жоиз деб топдик:

- **ҳуқуқий** категория сифатида, қонунчилик меъёрларига мувофиқ ҳисобланувчи банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга, банк фаолиятидаги рискларни чеклашга мўлжалланган катталиқ (кўрсаткич)дир.

- **моддий** категория сифатида, банкнинг ўзига тегишли, мажбуриятлардан холи бўлган, доимий - барқарор характердаги маблағлари манбалари ҳамда узоқ муддатли, ўзгармас шартлардаги қарзлари тушунилади.

- **иқтисодий** категория сифатида, банк тўловга қобиллиги, мустақиллигини таъминлаш ва фаолият қўламини кенгайтириш имконини берувчи банк молиявий ресурслари ҳисобланади.

Қисқа қилиб айтганда, тижорат банки капитални – бу банк фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаси бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасини бажарувчи капиталдир.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ мамлакатларнинг, жумладан республикамиз тижорат банкларининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Базель қўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарли талабларни ўрнатиш йўли билан мустаҳкам фаолиятни таъминлашдан иборатдир. Бу ўринда асосий ҳужжат бўлиб, 1988 йилда Марказий банк вакиллари томонидан ишлаб

¹¹Ш.Абдуллаева, А.Омонов Тижорат банкларининг капитални ва уни бошқариш.Т.: «Иқтисод - Молия» 2006 120 б.

чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий қилинган капитал ва риск бўйича Базель-I келишуви ҳисобланиб, унда капитал етарлилиги меъёрини ҳисоблаш услуги келтирилган.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликка асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорига ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қуйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдорига нисбати билан аниқланади.

Ушбу стандартда капитал сифат жиҳатидан иккита йирик қисмга ажратилган ва уларнинг ҳар бирига нисбатан етарлилик даражаси аниқланган. Базель стандарти бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилиги аниқланаётганда уларнинг активлари риск даражасига кўра ўзаро фарқланади. Шунингдек, ушбу стандарт тижорат банкларининг балансдан ташқари активларининг риск даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилигини таъминлашни назарда тутди.

Халқаро Базель стандарти бўйича банкларнинг асосий капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топиши лозим. Шу сабабли, Базель кўмитасининг талабига кўра, асосий капиталнинг таркибига қуйидаги манбаларгина киритилиши лозим:

- устав капиталининг тўланган қисми;
- банкнинг эмиссион даромади;
- захира капитали;
- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси;
- банкнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини сотишдан олинган тушум.

Базель-II талабларини жорий этиш бўйича Марказий банк асосий роль ўйнайди. Янги талаблар Марказий банк томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатларда, риск - менежмент усулларида ва технологияларда ҳам акс эттирилиши лозим.

Ривожланган давлатлар банк амалиёти тажрибаларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш натижасида тижорат банклари капитали манбаларини шакллантириш орқали банк капитали барқарорлигини таъминлашда унинг манбалари ва улуши қандай бўлишини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик, бу ишланма қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, банк капитали манбаларининг 57 фоизини даромад ташкил этмоқда. Албатта, бу юқори улуш ҳисобланиб, биринчидан банк капитали таркибида арзон молиявий ресурслар манбасини ошишига хизмат қилса, иккинчидан банк ушбу маблағлардан эркин фойдаланиш, айниқса захира капиталидан имконияти ортади. Бу ўз навбатида, тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тижорат банклари капитали таркиби ва
уларнинг манбалари¹²**

Банк капитали таркиби	улуши %	Манбаси
Устав капитали	37	банк таъсисчилари ва акциядорлари маблағи
Қўшимча капитал	16	банк акцияларининг бозор ва номинал баҳолари ўртасидаги фарк
Захира капитали	18	банк даромади (фойдаси)
Тақсимланмаган фойда	11	банк даромади (фойдаси)
Жорий йилнинг соф фойдаси	10	банк даромади (фойдаси)
Субординациялашган қарз мажбурятлари	-	банк кредиторлари маблағлари
Консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар	8	банк даромади (фойдаси)
Жами	100	

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капитали манбалари турли-туман бўлиб, бозор инструментларидан самарали фойдаланади. Уларнинг тажрибаларини ижобий жиҳатлари сифатида банк капитали таркибидаги тақсимланмаган фойда, эмиссион даромад ва узоқ муддатли субординар мажбуриятларни мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида жорий этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Диссертация ишининг **“Тижорат банклари капиталининг амалиётдаги ҳолати ва барқарорлигини таъминлашнинг асосий тенденциялари”** номли иккинчи бобида тижорат банклари капиталлашув даражасининг амалдаги ҳолати тадқиқ ва таҳлил қилинган, шунингдек мазкур бобда тижорат банклари капитали барқарорлигини таъминлаш борасида бир қатор мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари амалий ҳисоботлари асосида келтирилган бўлиб, уларни таҳлил натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Банклар пайдо бўлгандан бошлаб уларнинг дастлабки сармоysi, капитали даражасига муҳим масала сифатида эътибор қаратилган. 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози банк тизимининг барқарорлигини таъминлашда уларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш энг муҳим иқтисодий масалалардан бири эканлигини яна бир бор исботлади.

Қуйида тижорат банклари асосий капитали таркиби ва динамикаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

¹² Халқаро Базель талаблари асосида тавсиявий асосда шакллантирилган.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари асосий
капиталининг таркиби ва динамикаси¹³**

(1 январь ҳолатига, фоиз ҳисобида)

Т/р	Моддалар	йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Устав капитали	64,6	78,9	73,7	82,1	76,5
2.	Қўшимча капитал	0,5	0,3	0,3	0,3	0,7
3.	Махсус захира	16,3	8,7	11,1	7,5	8,9
4.	Тақсимланмаган фойда	18,6	12,1	14,9	10,1	13,9
Жами:		100	100	100	100	100

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимиз тижорат банклари капитали таркибида махсус захира салмоқли улушга эга бўлиб турибди, махсус захира капитал таркиби ўрганилганда унинг асосий қисми девальвация захирасидан иборат эканлиги маълум бўлди. Масалан, 2-жадвалда тижорат банклари асосий капитали таркибида махсус захира улуши 2017 йил 16,3 фоизни ташкил этгани ҳолда 2021 йилда 8,9 фоиздан иборат бўлган, ёки шу давр ичида 7,4 пунктга камайган бўлсада, махсус захиранинг улуши сезиларли даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга банкларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳам беқарор бўлсада, маълум даражада улушга эгаллигини қайд этиш лозим.

Бизнинг фикримизча, тижорат банклари жами капитали таркибида устав капитали улушини пасайишига йўл қўмаслик лозим, чунки ушбу манба, биринчидан барқарор манба ҳисобланади, иккинчидан жалб қилинган маблағларга нисбатан арзон молиявий маблағлардандир. Шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари капитали таркибида қўшимча капитал улушини ҳам пасайишига йўл қўймаслик лозим. Таҳлил даврида банкларнинг қўшимча капиталининг банк капиталидаги улуши ҳам кам миқдорда 2017 йилда 0,5 фоизни ташкил этган бўлса 2018 ва 2019 йил 1 январь ҳолатига келиб бу кўрсаткич 0,2 пунктга камайиб 0,3 фоизни, яъни ушбу манбанинг улуши жуда паст даражани ташкил этади, бу албатта мамлакатимиз тижорат банклари акцияларининг молия бозорларида нуфузи пастлигидан ва олди-сотди жараёни шаффофсиз эканлигидан далолат беради.


Шунингдек таҳлил қилинган давр мобайнида тижорат банклари жами капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳамда консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қўйилмалар юзага келмаган.

Тижорат банкларида субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлар бозоридаги мавқеининг заифлигидан далолат беради. Чунки субординациялашган қарз мажбуриятлари тижорат банкларига узоқ

¹³Тижорат банкларининг эълон қилган ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам харажатли воситаси ҳисобланади.

Қуйидаги расмда мамлакатимиз тижорат банклари биринчи ва иккинчи даражали капитали ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



1-расм. Тижорат банклари регулятив ва устав капитали 2016-2020 йиллардаги ўсиш темпи ва динамикаси¹⁴, фоиз ҳисобида.

1-расмда тижорат банклари регулятив капитали ва асосий капиталнинг 2016-2020 йилларда ўтган йилларга нисбатан ўсиш темпи, шунингдек устав капиталнинг регулятив капитал таркибидаги улуши ва динамикаси хусусида маълумотлар келтирилган. Дастлаб регулятив капиталнинг ўсиш темпига эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилда ўтган йилга нисбатан унинг ўсиш темпи 11,3 фоиздан юқори бўлган, устав капиталнинг ўсиш темпи 19,7 фоиз атрофида бўлган.

Муаммоли ҳолатлардан бири, мамлакатимиз тижорат банклари регулятив капитали таркибида устав капиталнинг улуши сезиларли ҳажмда бўлиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 68,8 фоиздан юқорироқ бўлган. Бизнинг назаримида, тижорат банклари регулятив капитали таркибида устав капитали улушини оширишга эришиш лозим. Чунки устав капитал банклар пассивидаги молиявий жиҳатдан барқарор манбалардан бири ҳисобланади.


Албатта, расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2018 йилда регулятив капитал таркибидаги устав капитали улуши 81 фоиздан ошган. Шу қаторда таъкидлаш жоизки, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида тижорат банкларининг регулятив капитали 10,9 фоизга ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 58162,0 млрд.сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарга қилинган қуйилмалар барқарор манба эканлигини эътиборга олиб, ушбу манбанинг ҳажмини ошириш бўйича банклар босқима-босқич

¹⁴Марказий банк ва тижорат банклари эълон қилинган статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ишларни ташкил қилишлари ва унинг ҳажмини камида йигирма фоизга етказиш лозим.

Албатта, тижорат банклари капиталнинг монанадлигини таъминлаш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларни бажариб келмоқда. Хусусан, ушбу талаб Марказий банкнинг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомига асосан банклар регулятив капитали, I даражали капитали ва I асосий капитали монандлигига қўйилган минимал талаблар (фоизда) 2019 йил 1 январдан, мос равишда 13, 10 ва 8 фоиз қилиб ўрнатилган.




2-расм. Ўзбекистон тижорат банклари хусусий капитали ва унинг таркибидаги устав капитали ҳажми ва динамикаси¹⁵ (1 январ ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Расм маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон тижорат банкларининг 2012-2020 йиллар 1 январь ҳолатига хусусий капитали ва унинг таркибидаги устав капиталининг миқдори ва динамикаси келтирилган. Банк капитали ҳажмининг хусусиятли жиҳати шундаки таҳлил қилинаётган давр мобайнида унинг ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, банкнинг хусусий капитали кейинги саккиз йилда, яъни 2020 йилда 2012 йилдаги ҳажмига нисбатан 15,7 мартага ортган. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки бу кўрсаткич чегара эмас, чунки мамлакатда ЯИМнинг йилдан йилга ошиб бораётганлиги тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажмини ортишига, бу эса ўз навбатида уларнинг капиталлашув даражасини оширишни талаб этади. Бунинг натижасида банк капитали барқарорлигига эришиш мумкин.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда замонавий йўллари, янаям соддароқ қилиб айтадиган хорижда ўзининг ижобий натижасини берган тажрибаларни кенгроқ қўллаш лозим. Хусусан, банкларнинг ўз маблағлари таркибидаги қўшилган капиталнинг ҳажмини ошириш орқали уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва барқарорликка эришиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги жадвалда Германия Дойчи банки ва ТИФ Миллий банки ўз маблағлари (капитали) таркиби келтирилган.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



3-расм. Германия Дойчи банки ва ТИФ Миллий банки ўз маблағлари (капитали) таркиби¹⁶ (2019 йил 1 январь ҳолатига, фоизда)

Расмдан кўришиб турибдики, Германия Дойчи банки ва ТИФ Миллий банки ўз маблағлари (капитали) манбаларининг вужудга келиш нуқтаи назардан улушлари ўртасида кескин фарқ мавжуд. Масалан, Германия Дойчи банкининг капитали таркибида устав капитали 7,7 фоизни ташкил этгани ҳолда қўшимча капиталининг улуши 58,6 фоиздан иборат бўлган, шунингдек банкнинг тақсимланмаган фойда даражаси ҳам салмоқли даража 24,3 фоизни ташкил этган. Капиталнинг айнан шу манбаларини шаклланиш ҳолатини ТИФ Миллий банки мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу банкда манзара умуман бошқача кўринишни олган. Хусусан, банкнинг устав капитали 88,1 фоизни ташкил этгани ҳолда, манбалар ичида энг юқори салмоқни ташкил этган, қўшимча капитал эса умуман мавжуд эмаслиги расмдан кўришиб турибди. Шу билан бирга, банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳам нисбатан кам улушни ташкил этмоқда.

Юқоридаги расм маълумотлари асосида масаланинг жиддий жиҳатларига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизнинг бошқа йирик тижорат банклари ўз маблағлари таркибида ҳам айнан шу муаммо мавжуд бўлиб, 2019 йил 1 январь ҳолатига республикамиз банк тизими капитали улушининг 74,9 фоизи олти¹⁷ банк ҳиссасига тўғри келади¹⁸.

Германия Дойчи банк ва ТИФ “Миллий банк” тижорат банклари ўз маблағлари манбаларининг шакллантириш ва уларнинг улуши кўп ёки камлигининг қандай аҳамият касб этиши юзасидан қуйидагиларни таъкидламоқчимиз:

– тижорат банклари акциядорларга дивиденд тўлаш учун банкнинг фойдасининг катта қисми сарфланмайди. Чунки, дивидендлар банк томонидан муомалага чиқарилган акцияларнинг номинал баҳоси бўйича тўланади, шундай экан Дойчи банкда капиталнинг етарлиги қўшимча

¹⁶ Германия Дойчи банки ва ТИФ Миллий банки вебсаҳифасидаги молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилди

¹⁷ ТИФ “Миллий банк”, АТ “Саноатқурилиш банк”, АТ “Асака банк”, АТ “Ипотека банк”, АТ “Агробанк”, АТ “Халқ банк”

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик тўплами маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

капитал ҳисобига таъминланмоқда, шу билан бирга дивидендга тўланадиган фойданинг асосий қисми банкнинг ихтиёрида қолади;

– кўшимча капитал улушининг юқорилиги банкнинг ҳамкорлари, инвесторлари ва акциядорлари томонидан қарорларни қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади, чунки бу маълумотлар банк акцияларининг молия бозорида ўта жозибали ва банкнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини англатади;

